

SCIENTIFIC AND THEORETICAL VIEWS ON VITICULTURE AND ITS ROLE IN THE WORLD COMMUNITY

Ruslan Rajabmurodovich RADJABOV¹
**Lecturer of the Department of Foreign
Languages in Natural Sciences
Bukhara State University,**
N.TOSHPULATOVA²
Student of the Bukhara State University

Abstract

In the course of the research, the Uzbek and French annotated dictionaries list a number of peculiarities, as well as an analysis of the lexical-semantic and lingvo-cultural features of the terms related to viticulture and horticulture.

Key words: Agriculture, mechanization, viticulture, horticulture, lexical-semantic, lingvo-cultural, terminology.

УЗУМЧИЛИК ҲАҚИДА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР ВА УНИНГ ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИДА ТУТГАН ЎРНИ

Руслан Ражабмуродович РАДЖАБОВ¹

Бухоро давлат университети ўқитувчиси

Н.ТОШПЎЛАТОВА²

Бухоро давлат университети талабаси

Аннотация. Илмий тадқиқот давомида ўзбек ва француз изоҳли луғатларида узумчилик ва боғдорчиликга оид терминларнинг лексик-семантик ва лингво-маданий хусусиятларини таҳлил этиш баробарида бир неча ўзига хосликлар санаб ўтилади.

Калит сўзлар: Қишлоқ хўжалиги, механизация, узумчилик, боғдорчилик, лексик-семантик, лингво-маданий, термин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 10 майдаги ПҚ-3712-сон қарорларига мувофиқ қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион фаолиятни ривожлантириш, бажариладиган илмий тадқиқотларнинг салоҳиятини ошириш ва соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида чиқарган қарорлари қишлоқ хўжалигига, хусусан узумчилик ва боғдорчиликка бўлган эътиборлари нақадар юқори эканлиги яққол кўриниб турибди.

Маълумотларга қараганда ўзбек тилида «Ўзбекистон узумчилиги»га оид чоп этилган асарларнинг аксарияти бевосита чет эл олимларининг асарлари замирида яратилган. Бунга мисол тариқасида (А.А.Рибаков, С.А.Остроухова, В.И.Горбач, М.Г.Цейтлин, Т.Т. Турсунов Т., «Ўқитувчи» нашриёти, 1969) ҳамда рус тилида нашр қилинган «Виноградарство» (А.А.Рибаков, С.А.Остроухова Т., «Меҳнат» нашриёти», 1988) каби ўқув қўлланмаларини келтириш мумкин¹. Мазкур қўлланмаларда узумчиликнинг фан, соҳа ва ишлаб чиқариш сифатида халқ хўжалигида нақадар аҳамиятга эга эканлиги баён этилган.

Бу соҳа ҳозирги кунда жадаллик билан ривожланаётганини инобатга оладиган бўлсак, чет тиллари билан боғламасликни иложи йўқ. Дунё бўйича энг кўп тоқзорлар

¹Темуrow Ш. Узумчилик. –Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. Т. 2002.

майдони Европа-Осиё, хусусан, Ўрта Ер, Эгей, Қора ва Азов денгизлари соҳиллари мамлакатлари (Испания, Италия, Франция, Португалия, Греция, Болгария, Германия, Венгрия, Руминия, Югославия ва ҳ.к.) га тўғри келиб, узум етиштириш, вино тайёрлаш бўйича етакчи ўринни эгаллайди. Дунёда тоқзорлар майдони бўйича энг олдинги ўринда Испания (1млн 200 минг га), кейин Италия (871 минг га), Франция (870 минг га) ва бошқа давлатлар эгаллайди. Юқоридаги маълумотларга эътибор берадиган бўлсак Франция узумчилик соҳасида кучли 3 таликка киради. Халқаро узумчилик ва виночилик ташкилотининг статистикасига кўра 1994 йилда дунё бўйича 255740 минг гл вино ишлаб чиқарилган. Унинг 188945 минг гл ёки 73% дан ортиғи Европага тўғри келади. Вино тайёрлаш бўйича Италия (59276 минг гл), Франция (54640 минг гл), Испания (18945 минг гл) олдинги ўринларда туради. Аҳолижонбошига вино ичиш бўйича Франция (63л), Аргентина (44 л), Швейцария дастлабки ўринларни эгаллайди. Юртимизда сўнгги йилларда бошқа соҳалар қатори қишлоқ хўжалигига, хусусан узумчилик ва боғдорчилик йўналишларига, бу борадаги мамлакатларaro иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги сабаб, мазкур соҳага доир терминлар таржимасининг чуқурроқ ўрганилиши кундан-кунга долзарб аҳамият касб этмоқда.

Илмий тадқиқот давомида ўзбек ва француз изоҳли луғатларида узумчилик ва боғдорчиликга оид терминларнинг лексик-семантик ва лингво-маданий хусусиятларини таҳлил этиш баробарида бир неча ўзига хосликлар санаб ўтилади.

Узумчиликка оид аксарият сўзлар француз, лотин ва юнон тилларидан келиб чиққан десак муболаға бўлмайди. Мисол учун:

Alberello (лотинча сўз) : том маънода «ёш дарахт». Вақт ўтиши билан қишлоқ хўжалиги ривожланиши натижасида узумзорни қийин атроф-муҳит шароитларига мослаштириш учун кичик узумзорларда ишлатиладиган ҳайдаш тизимига айланган. Ушбу тизим иқлими иссиқ ва қуруқ бўлган мамлакатларда кенг қўлланилади.

Ampélographie : (юн. Ampelos – узум ва графия) ток турларини ўрганадиган фандир. Бу терминни биринчи марта поляк табиатшуноси Ф. Я. Сакс (1661) қўллаган. Бу терминнинг илмий асосларини испан олими С. Клементе биринчи марта 1806 йилда тавсифлаб берган. Бу фан узумни илмий ўрганишдир яъни турли хил узум навларини, баргларини илмий тадқиқотлар орқали аниқлайди.

Fermentation du raisin : (узумни бижғитиш, ачитиш) Узумнини алкогольга айлантиришдан иборат бўлган жараён ҳисобланади.

Filtration : (филтр қилиш) Маҳсулотни ёрқинлиги ва тиниқлигини тиклаш учун филтрлар ёрдамида шаробни тозалашнинг винификация босқичи.

Enologie : (Энология (юн. οἶνος — «вино») шароб ва узумзорларни ўрганишга бағишланган фан.

Бундан кўриниб турибдики биргина қишлоқ хўжалик соҳаларида ҳам бевиста чет тиллардан ўзбек тилига ўзлашган сўзларни учратиш мумкин.

Хулоса қилиб, француз ва ўзбек тилидаги узумчилик терминлари таржимасида ўзаро эквивалентлик ҳосил қилиш, ёки айрим терминлар номининг ўзбек тилида айнан муқобили бўлмаганлиги сабаб, француз тилидаги атамаларнинг таржимаси ўз миллий тил хусусиятини сақлаган ҳолда ўгирилишини айтиш мумкин.

References

1. Темуров Ш. Узумчилик. –Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. Т.2002.
2. R. R. Radjabov "The role of literary translation in the development of eastern and western culture, art and literature". Innovation in the modern education system. Washington, USA.25th February 2021
3. D.Sh.Islomov. (2021). The Definition of The Concepts of "Phoneme" and "Phonostylistics". Middle European Scientific Bulletin, 9. <https://doi.org/10.47494/mesb.2021.9.204>
4. Д.Ш Исломов. "Поэтические формы как культуроведческий компонент при обучении иностранному языку". Статьи в Академии Наука. Мысль: электронный периодический журнал, 2015.
5. Д Исламов, НВ Ванцова, ТМ Хусяинов – "Возможности использования проектной методики при преподавании иностранных языков" Наука. Мысль: электронный периодический журнал, 2016.
6. Kodirov D. H. SPIRITUAL-MENTAL RESEARCHES OF ABU HAMID GHAZALI // European Journal of Research Development and Sustainability (EJRDS) – Vol. 2 No. 2, February 2021, -p. 73-74.
7. Qodirov D.H. THE PERIOD IN WHICH GHAZALI LIVED: THE SOCIO-POLITICAL SITUATION AND THE SPIRITUAL ENVIRONMENT//International Journal on Integrated Education. – 2020. – Т. 3. – №. 9. – С. 108-111.
8. Qodirov D.H. GHAZALI AND DESCARTES: MODERN PHILOSOPHICAL DEVELOPMENT OF THINKING//Scientific Bulletin of Namangan State University, 2020. - №. 10., p. 256-260.

9. Kadirov D.H “AL-MAVAHIB US-SARMADIA” AND THE SOURCES GIVEN IN IT CONCERNING THE NAKSHBANDI TARIKAH// The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 3., p.18-26.
10. Mavlonova U. K., Maxmurovna M. K. THE INTRODUCTION OF IRONY IN ENGLISH AND UZBEK LITERATURE //International Engineering Journal For Research & Development. – 2020. – T. 5. – №. 3. – C. 4-4.
11. Ugiloy Khamdamovna Mavlonova, Dilfuza Salimboyevna Ruziyeva. THE USE OF IRONY IN LITERATURE // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. – 2020. – Issue 04, Volume 84. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS
12. Mavlonova Ugiloy Khamdamovna. Similarities and Differences between types of Comic // International Journal on Integrated Education. September 2020, Volume 3, Issue IX. <https://doi.org/10.31149/ijie.v3i9.596>
13. Mavlonova U.K., Makhmurova M.Kh., Kodirov T.D. DESCRIPTION OF ART MEDIA IN LITERATURE // LXIV International Correspondence Scientific and Practical Conference “EUROPEAN RESEARCH: INNOVATION IN SCIENCE, EDUCATION AND TECHNOLOGY» June 5-9, 2020. London, United Kingdom
14. Sharipova D.Sh , Mavlonova U.Kh., Ibatova N.I. BEHAVIORAL LANGUAGE ETIQUETTE IN UZBEK PROVERBS AND SAYINGS // ВЕСТНИК НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ № 11(89). Часть 3. 2020. P: 51-53
15. Mavlonova U Kh, RA Akhmedova. ANALYSIS OF SITUATIONAL IRONY IN EXAMPLES FROM GENERAL CASES. ЖУРНАЛ «ACADEMY» © ИЗДАТЕЛЬСТВО «ПРОБЛЕМЫ НАУКИ». Том 62, номер 11, ст. 24-26.
16. U.K. Mavlonova, R.A. Achilova. [THE PROBLEM OF TRANSLATION OF REALIA \(AMERICANISMS\)](#). Dostijeniya nauki i obrazovaniya, 5/59, 2020.
17. Mavlyanova Ugiloy Khamdamovna. Irony in Fitrat’s Dramas. International Engineering Journal For Research & Development 5 (CONGRESS), 3-3, 2020/11/23